

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 19 сентябрь кунги бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

“Биржа фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бозор биржа нархларини шакллантириш (котировкалаш) жараёнларини халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқий таъминлаш, нархларнинг эҳтимол тугилган ўзгаришларини суғурта қилиш, савдо қилинаётган активларнинг инвестициявий жозибдорлигини, нархларнинг ошқоралигини таъминлаш, нархларнинг келгуси ўзгаришлари тенденцияларини белгилаш, шунингдек талаб ва таклифнинг мувозанатини аниқлаш каби бир қатор вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир. Депутатларнинг фикрига кўра, қонун лойиҳаси молиявий секторни ривожлантиришга кўмаклашиб, биржа фаолияти масалаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини яратибгина қолмай, балки чет эллик инвесторлар учун мамлакатимизнинг биржа бозори жозибдорлигини ошириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Депутатлар “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ва “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаларини

муҳокама этдилар. “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун лойиҳасида васийлик ва ҳомийликни аниқлаш масалаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш, кодификациялаш зарурлиги таъкидланган.

Кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасига асосий тушунчалар, давлат сиёсатининг йўналишлари, давлат органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги принциплари, вазифалари ва ваколатларини белгилаб берувчи нормалар киритилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасида соғлиқни сақлаш органлари зиммасига ишга яроқсиз ва ишга яроқчилиги чекланган шахсларнинг ҳисоботини юритиш бўйича функцияларни, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари зиммасига эса соғлиги ҳолати бўйича ҳомийликка муҳтож ишга яроқли шахсларнинг ҳисоботини юритиш бўйича функцияларни юклаш ҳам назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши васийликдаги кишиларнинг қонуний қафолатларини кучайтириши алоҳида таъкидланди, шу орқали улар ўзининг боқилиши, тарбияланиши ва соғлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, васийлик ва ҳомийлик органларидан ўз

ҳуқуқлари тўғрисида ахборот олиш борасида ҳуқуқлар билан таъминланади. Бошқа тарафдан, васийлар ва ҳомийларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, васийликдаги кишилар, васийлар ва ҳомийларнинг мулкка эгаллик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилмоқда.

Билдириб ўтилган нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда парламент аъзолари “Биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси тегишли қарорларни қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [norma.uz](http://norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### ИЛМИЙ ХОДИМЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ ОШИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 9.09.2013 йилда 2507-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига (ВМнинг 18.08.2009 йилдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартиришлар киритилди.

Чунончи, институт директори, профессорнинг лавозим маоши миқдори 1 230 294 сўмдан 1 414 838 сўмга, кичик илмий ходимники (фан номзоди) – 867 253 сўмдан 997 341 сўмга, тажриба орттирувчи тадқиқотчиники – 684 574 сўмдан 787 260 сўмга ошди.

Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига 2013 йил 15 августдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминлаш топширилди.

Ушбу ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан ФТРМҚнинг илгари амал қилган қарори (рўйхат рақами 2423, 5.02.2013 йил) ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди.

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 16.09.2013 йилдаги 37-сонида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

### КАДРЛАР МАСАЛАСИ

## ВАКОЛАТХОНАЛАР ВА ДОИМИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАЛАРИ

Ёзув-чизув анжомларини ишлаб чиқариш билан шугулланадиган хорижий компаниямиз ваколатхонасининг штатида ходимлар кўп. Улар билан тузиладиган меҳнат шартномалари одатда бир-биридан фарқ қилмайди, фақат ходим ишга қабул қилинаётган лавозим (мутахассислик) номи кўрсатиладиган қисмигина ўзгаради. Ходимларни уларнинг меҳнат вазифалари билан таништириш учун ваколатхонада мансаб йўриқномалари ишлаб чиқилади. Хорижий тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари учун уларнинг мазмунига доир махсус талаблар назарда тутилганми?

Кадрлар масалалари бўйича менежер.

— Амалдаги қонун ҳужжатларида ваколатхоналарнинг мансаб йўриқномаларига махсус талаблар назарда тутилмаган. Шу билан биргаликда Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида низом (ВМнинг 23.10.2000 йилдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган) 7-банди биринчи хатбошисининг маъносидан келиб чиқилганда, унга кўра ваколатхона тижорат фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, мансаб

2-бетда

### ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

## ЯНГИ АВЛОД ҲУЖЖАТИ

“NORMA” газеталари бирлашган таҳририяти ташкил этган ва 5 сентябрда ўтказилган амалий семинар кўп фикр-мулоҳазаларга сабабчи бўлди. Маърузачилар номига яна саволлар “ёғдирилди”. 12 сентябрда эса таҳририят ўз саволларига жавоб олиш ва Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизимини яхшироқ билиб олишни хоҳлаган иштирокчиларнинг яна бир гуруҳини тўплади. Бугунги сонда чоп этилаётган савол-жавоблар термасида кўпчилик учун муҳим бўлган мавзу – биометрик паспортга алоҳида эътибор берилган.

3-бетда

3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрда қабул қилинган "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори АКТ учун дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда рақобатбардошли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларни рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга кўмаклашишга қаратилган.

## ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Шу мақсадда мазкур ҳужжат билан Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Миллий реестр software.uz Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизида яратилади. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари бўлиб дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш, мазкур бозорнинг ҳолати ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш, истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

Қарор билан Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар мuddатда:

барча турдаги солиқлар ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинади.

Шунингдек, Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Мазкур тартиб-таомил Интернет тармоғининг он-лайн дўконлари орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан амалга оширилиши мумкин. Манфаатдор вазирлик ва идораларга қисқа мuddатда Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга Президентнинг "Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг (5.01.2006 йилдаги ПФ-3706-сон) амал қилиши Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига, агар улар ҳонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар, татбиқ этиладиган бўлди.

Юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича янги технология ускуналарини харид қилиш чоғида солиқ солинадиган базани камайитишга доир амалдаги тартиб республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурига киритилмайдиган ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар миқдорига жорий қилинади.

Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юристимиз.


## ВАКОЛАТХОНАЛАР ВА ДОИМИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАЛАРИ

1-бетда йўриқномаларини тузиш чоғида ваколатхона фаолиятини норезидентнинг доимий муассасаси сифатидаги фаолият деб эътироф этиш хатарига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор тавсияларни ҳисобга олиш лозим.

Ваколатхоналар фаолиятини аудиторлик текширувларидан ўтказиш тажрибамиздан келиб чиқилса, мансаб вазифалари таърифининг номувофиқлиги назорат қилувчи органлар ваколатхоналар фаолиятини тижорат фаолияти деб эътироф этиши учун асос ҳисобланиши мумкин.

Чунончи, кўпчилик ваколатхоналар бош офисда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган намунавий мансаб йўриқномаларини асос сифатида қабул қиладилар. Бундай йўриқномаларда, ваколатхонани аккредитация қилган компания тижорат тузилмаси бўлганлиги боис, "бизнесни ривожлантириш" (зеро "бизнес" амалиётда кўпинча тижорат фаолияти билан тенглаштирилади), "якка тартибда сотишлар", "ассортимент бўйича бюджет реализацияси", "сотувлар бўйича бошқарувчи", "сотувлар ҳажмини кўпайтириш", "сотувлар тўғрисида ҳисобот" сингари сўз бирикмалари ва тижорат фаолиятига хос бўлган атамалардан фойдаланган ҳолда бошқа формулировкalar ишлатилади.

Ҳатто ваколатхонангиз амалда тижорат фаолиятини амалга оширмасда, ходимларингизга расмий тарзда қабул қилинган йўриқномалардаги бундай лавозим вазифаларини бериш, бунинг устига, мазкур йўриқноманинг ходим билан меҳнат шартномасида



белгиланган қоидалари ижроси мажбурийлигини мустаҳкамлаш ваколатхона томонидан тижорат фаолияти амалга ошириладиганлигини эътироф этиш эҳтимолини кучайтиради. Ушбу ҳолда камида норезидент компаниясининг доимий муассасаси ташкил этилганлиги эътироф этилиши, энг нохуш ҳолатда эса – ваколатхонанинг аккредитацияси тугатилиши мумкин.

Бошқа бир кўп учрайдиган жиҳат ваколатхонанинг штат жадвали ҳисобланади, унда тижорат хусусиятини яққол равишда кўрсатадиган лавозимлар тасдиқланиши мумкин. Чунончи, ваколатхонада товаршунос, логистик (таъминотчи), сотувчи-маслаҳатчи, сотувлар бўйича менежер ва ҳатто мижозлар билан ишловчи менежер (зеро, нотижорат тусидаги ваколатхонада қандай мижозлар бўлиши мумкин?) лавозимларини тасдиқлаш анча хавфли.

Умуман олганда эса бундай ходимларнинг хизмат вазифалари маъносига кўра солиқ органларининг мансабдор шахсларида ваколатхона фаолияти нотижорат тусдалиги хусусида шубҳа уйғотмаслиги керак. Шу муноса-

бат билан, мисол учун, ҳайдовчи учун – маҳсулот (товар)ни хорижий компаниянинг контрагенти жойлашган жойга етказиб бериш фаолияти; молия менежери учун – бизнес режасини ишлаб чиқиш фаолияти; норезидент компаниясининг маҳсулот ва хизматларини тақдим этиш масалалари билан шуғулланадиган ходимлар учун эса – сотувлар ҳажмини оширишни ваколатхона ходимларининг вазифаларига киритиш керак эмас.

Шу тариқа, хатарларга ва назорат қилувчи органларнинг эҳтимолий даъволарига йўл қўймаслик учун, компаниянинг бош офиси ишлаб чиққан йўриқномаларни қўллаганда уларни қайта кўриб чиқиш ва бевоқиф ваколатхона фаолиятига мослаштириш керак. Штат ва лавозимлар масаласини кўриб чиқишда ҳам ваколатхоналарнинг нотижорат фаолияти билан боғлиқ ходимлар фаолиятининг номлари ва мақсадларини қўллаш керак.

Гўзал ИСЛОМОВА,  
"BAKER TILLY  
Tashkent" МЧЖ  
аудиторлик ташкилоти  
бошқарувининг раиси.

### ЭЪЛОНЛАР

**ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР**  
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр\*  
Тел. 346-16-89.

**ADVOKAT ELITE.** Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш\*.  
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражасида рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш\*.  
Тел.: 936-06-02, 970-65-91.

**АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ**  
Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари\*.

Тел. (+998 90) 370-63-06.

**ХИЗМАТЛАР**  
Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан.  
Тел.: 235-19-91, 171-99-28,  
162-34-55. [www.likan.uz](http://www.likan.uz)

Иш ҳужжатларини муқовалаш.  
Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.  
Тел.: 236-76-46, 233-74-95,  
233-17-56.

\*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

### МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	23.09.2013	1	0,7844	1	1,0611	1	0,0246
Арманистон	20.09.2013	1	406,71	1	549,91	1	12,78
Беларусь	24.09.2013	1	9040,00	1	12230,00	1	283,50
Грузия	23.09.2013	1	1,6628	1	2,2519	100	5,2400
Қозоғистон	23.09.2013	1	153,08	1	207,06	1	4,82
Қирғизистон	24.09.2013	1	49,0560	1	66,3433	1	1,5373
Латвия	23.09.2013	1	0,519000	1	0,702804	1	0,016400
Литва	24.09.2013	1	2,5505	1	3,4528	1	0,079856
Молдова	23.09.2013	1	12,8861	1	17,4445	1	0,405
Россия	21.09.2013	1	31,7326	1	42,9501	—	—
Тожикистон	23.09.2013	1	4,7679	1	6,1050	1	0,1498
Украина	23.09.2013	100	799,3000	100	1080,1740	10	2,5189
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 24 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари.....	2023,91	1 Польша злотийси.....	687,87
1 Англия фунт стерлинги.....	3438,58	1 СДР.....	3289,30
1 Дания кронаси.....	389,54	1 Туркия лираси.....	1086,22
1 БАА дирҳами.....	584,47	1 Швейцария франки.....	2356,68
1 АҚШ доллари.....	2146,70	1 ЕВРО.....	2838,11
1 Миср фунти.....	311,45	10 Жанубий Корея вони.....	19,95
1 Исландия кронаси.....	17,93	10 Япония иенаси.....	216,55
1 Канада доллари.....	2086,00	1 Россия рубли.....	67,65
1 Хитой юани.....	350,84	1 Украина гривнаси.....	268,57
1 Малайзия ринггити.....	676,13		

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш эки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ  
СОҶДА

#### ● УСТУВОРЛИКЛАР

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида  
1-бет

#### ● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
- Дастурий таъминот ишлаб  
чиқарувчиларига солиқ имтиёзлари  
1-3-бетлар

#### ● КАДРЛАР МАСАЛАСИ

- Ваколатхоналар ва доимий муассасаларнинг мансаб йўриқномалари  
- Валюталар курси  
2-бет

#### ● РАСМИЙ ЖАВОБ

- Лицензиялар турли хил бўлади  
3-бет  
● ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ  
- МЧЖда чиқиб кетган иштирокчининг улуши қолса  
- Устав капитали учинчи шахслар ҳисобига

#### кўпайтирилганда

- Жамият иштирокчиси ягона бўлса  
- Шахсий фикр МЧЖдан чиқариш учун асос эмас  
4-бет

#### ● ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

- Янги авлод ҳужжати  
- Усмир самолётда бир ўзи учса...  
5-6-бетлар

#### ● ТАЪЛИМ

- Республикада олий маълумотли бўлиш қанчага тушади  
- Хорижда ўқиш нуфузли ишга жойлашишга кафолат бўлмайди  
6-бет

#### ● НАЗОРАТ


- 2013 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш режа-жадвали  
7-8-бетлар



**Корхонамиз агросаноат фирмаси ҳисобланади. У металл конструкциялар тайёрлайдиган бўлинмага эга. Буюртмачи – уяли алоқа компанияси учун шартнома асосида корхона металл конструкциялар тайёрлайди, уларни йиғади ва мачталарга монтаж қилади. Кейинроқ шартнома бўйича мачталарнинг майда профилактик таъмири: сим арқонларни мойлаш ва қисман бўйша амалга оширилади. Агросаноат фирмаси телекоммуникациялар воситаларининг мажмуи сифатида телекоммуникация тармоғининг қурилиши билан боғлиқ лицензияланадиган фаолиятда, шунингдек маълумотларни шакллантириш, узатиш, қабул қилиш ёки уларга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар воситалари билан бирор-бир ишда умуман иштирок этмайди.**

**Агар буюртмачи телекоммуникация тармоғининг қурувчиси бўлса, унинг учун умумий соҳа объектларига (бинолар, мачталар ва ҳоказо) буюртмаларни бажарадиган бошқа ташиқлотлар ҳам, буюртмачи сингари, телекоммуникация тармоқлари қурилишига лицензия олишлари керакми? Умумий мақсаддаги объектлар, масалан, металл конструкциялар ва мачта иншоотларини тайёрлашга лойиҳа топшириғи бўлган буюртма ҳар қандай тайёрловчи телекоммуникациялар тармоқларини қуришга лицензия олиш зарурлигини тақозо этадиган телекоммуникацияларнинг муайян тармоғига боғланиш бўладими?**

Тадбиркор.  
Фарғона шаҳри.



## ЛИЦЕНЗИЯЛАР ТУРЛИ ХИЛ БЎЛАДИ

Газетхоннинг саволини Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига юбордик ва шундай жавоб олдик.

Телекоммуникациялар соҳасида лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2000 йилдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 458-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади. Кўрсатилган Низомнинг 3-бандида белгиланишича, телекоммуникациялар соҳасида телекоммуникациялар тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш лицензияланиши керак. Қурилиш телекоммуникациялар тармоқларини реконструкция қилиш (кенгайтириш, қайта жиҳозлаш) билан боғлиқ ишларни ўз ичига олади. Фойдаланиш телекоммуникациялар тармоқларига техник хизмат кўрсатишга доир ишларни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунига кўра фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари киради.

Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, улар буюртмачилар ёки ижрочилар, пудратчилар ёки ёрдамчи пудратчилар бўлишларидан қатъи назар, тегишли лицензиялар асосида амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасига мувофиқ:

телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимил турларини, маълумотлар узатиш ва хужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи;

телекоммуникация воситалари – электромагнит ёки оптик сигналларни ҳосил қилиш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш, коммутация қилиш ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва тизимлар;

телекоммуникация иншоотлари – телекоммуникация тармоқлари ва воситаларининг ишлаши ҳамда улардан фойдаланишни таъминловчи бинолар, қурилмалар, телекоммуникация линиялари, мосламалар, таянчлар, мачталар ва бошқа иншоотлар.

Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунига кўра бинолар,

мачталар ва ҳоказолар (сиз умумий соҳа объектлари сифатида сўраётган нарсалар) телекоммуникация иншоотлари ҳисобланиб, улар телекоммуникация тармоқлари ва воситаларининг ишлаши ҳамда улардан фойдаланишни таъминлайди. **Бундай бинолар, мачталар ва ҳоказоларни қуриш телекоммуникациялар соҳасида лицензияланмайди.** Телекоммуникация воситаларидан, яъни электромагнит ёки оптик сигналларни ҳосил қиладиган, узатадиган, қабул қиладиган, қайта ишлайдиган, коммутация қиладиган ва уларни бошқарадиган техник қурилмалар, асбоб-ускуналар, иншоотлар ва тизимлардан таркиб топган телекоммуникация тармоғининг ўзини қуриш учун телекоммуникациялар соҳасида тегишли лицензия олиниши талаб қилинади. Яъни бинолар, мачталар ва ҳоказоларда телекоммуникация воситаларини ўрнатиш ва монтаж қилиш телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолият сифатида лицензияланади.

Металл конструкциялар ва

мачта иншоотларини тайёрлаш фаолияти телекоммуникациялар соҳасида лицензияланмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, телекоммуникациялар соҳасида лицензия олиш талабларининг бор-йўқлиги бошқа соҳалардаги фаолиятга лицензия олиш заруратидан озод қилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.06.2002 йилдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 236-сон қарорига мувофиқ бинолар ва иншоотларни (фуқаролик, саноат ва бошқа мақсаддаги) қуриш фаолиятини лицензиялаш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикасининг Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасига мурожаат қилишни тақлиф этамиз.

Давалоқақўм раиси  
ўринбосари  
М.М. САНГИЛОВ.

## 1-бета ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### «ЎЗКАРТ» ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ МБ ҲИСОБ-КИТОБЛАР МАРКАЗИ АМАЛГА ОШИРАДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2.09.2013 йилда 2369-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.

«Ўзкарт» тизимидаги ҳисоб-китобларни эндиликда Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази амалга оширади (илгари бу вазифа Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Банклараро ҳисоб-китоб марказига юклатилган эди).

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази тижорат банклари билан хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиши белгиланди (илгари ТИФ МБ Банклараро ҳисоб-китоб маркази тижорат банклари билан депозит ҳисобварақларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни тузиб, уларга тегишли ҳисобварақлар очган. Тижорат банклари шартнома имзолангандан кейин 3 иш куни давомида ўз депозит ҳисобварақларига зарур маблағларни ўтказишлари шарт бўлган).

Тижорат банки «Ўзкарт» тизимидаги ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётганда, аввалгидек, банкнинг ҳисоб-китоб операцияларини бир тарафлама тўхтатиб туриш ва бу ҳақда процессинг марказини хабардор қилиш ҳуқуқи сақланган (бирок илгари ТИФ МБ Банклараро ҳисоб-китоб маркази улар ўз мажбуриятларини 3 банк куни давомида бажармаган тақдирдагина банкларнинг ҳисоб-китоб операцияларини бир тарафлама тўхтатиб тура олар эдилар. Операцияларни бир тарафлама тўхтатиб туриш

ҳақида, процессинг марказидан ташқари, Марказий банкни ҳам хабардор қилиш керак эди).

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 16.09.2013 йилдаги 37-сонидан расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

### НАФАҚАЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФЙДАЛАНИЛМАГАН МАБЛАҒЛАР ОЛИБ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Марказий банк бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори (АВ томонидан 2.09.2013 йилда 2342-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимча киритилди.

Шуни эслатиб ўтаемизки, ушбу йўриқномада хўжалик юритувчи субъектларга қўйилган талабларни қондириш учун пул маблағлари етмаганда уларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби белгиланган. Бирок йўриқноманинг талаблари: тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг тугатиш ҳисобварақларига;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатланган ҳисобварақларга ҳамда суд, суд ижрочилари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан фойдаланишга оид чекловлар ўрнатилган ҳисобварақларга ёки ушбу ҳисобварақлар бўйича хатланган пул маблағларига;

бюджет маблағларини олувчиларнинг кредиторлик қарзларини тўлаш учун уларнинг ҳисобварақларига маблағ ажратиш режалари чегарасида молия ва солиқ органлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг

тегишли қарори асосида Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган схемаларда белгиланган ҳисобварақларга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг Қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилмайдиган банк ҳисобварақлари рўйхатида (Йўриқноманинг 1-илловаси) келтирилган ҳисобварақларига нисбатан қўлланилмайди.

2342-2-сон қарор қабул қилиниши билан кўрсатилган Рўйхат «22630 – Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақалар бўйича маблағлар» ҳисобварағи билан тўлдирилди.

22630-ҳисобварақ МБ бошқарувининг АВ томонидан 25.01.2013 йилда 773-30-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига мувофиқ киритилди. Ҳисобварақ кредити бўйича маҳаллий бюджетлардан нафақалар тўлаш учун келиб тушган маблағларни мақсадли молиялаш суммаси, дебети бўйича – белгиланган тартибда 29848-«Ижтимоий нафақаларни тўлаш бўйича жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар» балансдан ташқари ҳисобварағига ўтказилган сумма акс эттирилади.

Ушбу махсус ҳисобварақлар Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган) 40-бандига асосан очилди.

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 9.09.2013 йилдаги 36-сонидан расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.



**Мен МЧЖ директориман. Биз баъзи жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ҳисобига устав капитални кўпайтиришни режалаштиряпмиз. Бироқ МЧЖ иштирокчиларидан бири чиқиб кетганидан кейин жамиятда чиқиб кетган иштирокчининг илғари олинган 5 фоизлик улуши қолди. Жамият бундай вазиятда устав капитални кўпайтиришга ҳақлими?**

## МЧЖда ЧИҚИБ КЕТГАН ИШТИРОКЧИНИНГ УЛУШИ ҚОЛСА

— Жамият устав капитални кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Мазкур ҳулоса “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин — МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 18-моддасининг иккинчи қисми билан тасдиқланади. Мазкур меъёрга кўра жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамиятнинг устав капитални кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Қарор бир овоздан қабул қилинади ва жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларни киритиш тўғрисидаги аризаларига асосланади. Жамиятга қарашли улушлар умумий йиғилишда овоз бериш натижаларини аниқлашда ҳисобга олинмайди (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 23-моддасининг биринчи қисми).

Бироқ шуни ҳисобга олиш лозимки, капитални кўпайтиришга у тўлиқ тўланганидан кейингина йўл қўйилади (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 16-моддасининг биринчи қисми). Шу тариқа, жамиятда 5%лик улуш мавжуд бўлса, кўпайтириш таомилининг ўзи мумкин бўлмайди.

Шу сабабли жамият аввал МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ жамиятга тегишли бўлган улушни

тақсимлаши керак. Улуш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг барча иштирокчилари ўртасида уларнинг жамият устав фондидаги (устав капиталдаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига ва (ёки), агар бу жамиятнинг уставда тақиқланган бўлмаса, учинчи шахсларга сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак. Фақат шундан кейин капитални кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши нафақат оқилона бўлади, балки уни бажарса ҳам бўлади.

## УСТАВ КАПИТАЛИ УЧИНЧИ ШАХСЛАР ҲИСОБИГА КЎПАЙТИРИЛГАНДА

**МЧЖ шаклидаги корхонамиз устав капитални жамият барча иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари, шунингдек учинчи шахслар (инвесторлар)нинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтиришни режалаштиряпти. Бундан бир вақтнинг ўзиде қила оламизми?**

— Ҳа, қила оласиз.

Устав капитални жамият барча иштирокчиларининг қўшимча ҳиссалари ва учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига бир вақтда кўпайтириш имконияти “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин — МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 18-моддасининг иккинчи қисмида тўғридан-тўғри назарда тутилган.

Мазкур меъёр жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига жамият иштирокчиларининг қўшимча ҳисса қўшиш тўғрисидаги аризалари ва учинчи шахсларнинг уларни жамиятга қабул қилиш ва ҳисса қўшиш тўғрисидаги ари-

залари асосида жамиятнинг устав капитални кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради.

Бунинг учун умумий йиғилиш қуйидаги қарорларни қабул қилиши керак:

устав капиталнинг кўпайиши муносабати билан жамият уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;

ариза берган жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматини кўпайтириш тўғрисида; жамият иштирокчилари улушларининг миқдорларини ўзгартириш тўғрисида;

жамиятга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисида;

янги иштирокчилар улушларининг номинал қиймати ва миқдорини белгилаш тўғрисида.

Ушбу қарорларни жамиятнинг барча иштирокчилари бир овоздан қабул қилишлари керак. Бироқ шуни қайд этиш лозимки, МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 18-моддасига кўра, учинчи шахслар томонидан қўшимча ҳиссалар киритилиши устав билан тақиқланиши мумкин. Бу ҳолда иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, санаб ўтилган қарорлар билан бир қаторда, мазкур тақиқни уставдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор ҳам қабул қилиши керак бўлади.

жамиятнинг ягона иштирокчиси томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма равишда расмийлаштирилади. Тегишинча, ягона иштирокчиси бўлган МЧЖ тузадиган йирик битим тўғрисида қарор қабул қилиш тартибига риоя этилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиб ушбу иштирокчининг битим содир этилганлиги тўғрисида ёзма тарзда расмийлаштирилган қарори бўлади. Ушбу қарорнинг йўқлигини эса суд МЧЖ тўғрисидаги Қонун 44-моддаси талабларининг бузилиши деб топиши мумкин.

## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИ ЯГОНА БЎЛСА

**Бизнинг МЧЖ ягона муассиси жисмоний шахсдир. МЧЖ йирик битимни амалга ошириш тўғрисида иштирокчининг қарори керакми, у қай тарзда расмийлаштирилиши лозим?**

— Йирик битимни амалга ошириш учун сизга иштирокчининг қарори зарур. Йирик битим тўғрисида қарорни ягона иштирокчи шахсан қабул қилади ва ёзма равишда расмийлаштиради.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 44-моддасига асосан йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Ушбу масалани ҳал қилиш жамиятнинг уставига биноан жамият кузатув кенгашининг ваколатига ҳам киритилиши мумкин.



Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юристимиз.

**Бизнинг МЧЖ мол-мулкни рақобатчига сотмоқчи. Мазкур битим йирик битим мақомига мослигини ҳисобга олиб, биз уни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказдик. Иштирокчилардан бири МЧЖ мол-мулкни бозор баҳосидан анча кам нарҳда рақобатчига сотишга овоз берди. Мен устав капиталнинг 20%лик улушига эгаллик қиладиган иштирокчилардан бири сифатида мазкур иштирокчининг ҳаракатларига йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблайман. Унинг йиғилишда аввал-бошдан жамият учун фойдали бўлмаган қарорга овоз бериши мазкур иштирокчини МЧЖдан менинг талабимга кўра чиқариш учун асос бўла оладими?**

## ШАХСИЙ ФИКР МЧЖдан ЧИҚАРИШ УЧУН АСОС ЭМАС

— Ҳатто устав капиталда 20%лик улушга эга бўлган МЧЖ иштирокчисининг талаби йиғилишда аввал-бошдан жамият учун фойдали бўлмаган қарор учун овоз берган (сизнинг ҳолатда МЧЖ мол-мулкни рақобатчига бозор баҳосидан анча кам нарҳда сотиш бўйича йирик битимни маъқуллагани учун) бошқа иштирокчини МЧЖдан чиқариш учун асос ҳисобланмайди.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин — МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 8-моддасига мувофиқ жами улушлари жамият устав капиталнинг камида 10%ини ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини жамиятдан суд тартибиде чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 44-моддасига кўра бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулкни қийматининг 25%идан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади. Албатта, агар жамият уставига йирик битимнинг анча юқори миқдори назарда тутилган бўлмаса. Бироқ жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилмайди.

Йирик битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Иштирокчининг жамият фаолиятига имкон бермайдиган ёки уни жиддий равишда қийинлаштирадиган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги деганда, хусусан, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида иштирок этишдан узрли сабабларсиз мунтазам равишда бош тортиб, жамиятни унинг барча иштирокчилари яқдиллигини талаб қиладиган масалалар бўйича қарор қабул қилиш имкониятидан маҳрум қиладиган ҳаракатни тушуниш керак.

Жамият иштирокчиси йўл қўйган ҳуқуқбузарлик қўпол ҳуқуқбузарлик ҳисобланиши масаласини ҳал этишда унинг айбдорлик даражасини, жамият учун салбий оқибатлар бошланиши (бошланиши мумкинлиги)ни эътиборга олиш керак.


Сизнинг хатингизда МЧЖ бошқа иштирокчисининг овоз бериши жамият учун аввал-бошдан фойдасиз оқибатларга олиб келган ёки олиб келмаганлиги аниқ эмас.

Фикримизча, иштирокчиларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва кун тартибининг масалалари бўйича маълум тарзда овоз бериш жамият иштирокчисининг қонуний ҳуқуқидир ва у ўз ҳолича мазкур йиғилишда иштирок этган иштирокчиларни жамиятдан чиқариш учун асос ҳисобланмайди.

Кўчмас мулкни бошқа шахсларга ўтказиш бўйича битимларни маъқуллаб иштирокчининг овоз бериши унга Фуқаролик кодекси ва МЧЖ тўғрисидаги Қонун тақдим этган ҳуқуқдир.

Бундай битимларни маъқуллаш натижасида жамият ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиладиган мол-мулкдан маҳрум бўлиши ҳолати эса ҳали келгусида унинг фаолиятини албатта тугатиш кераклигидан гувоҳлик бермайди. Унда мазкур мол-мулк бўлишини талаб қилмайдиган бошқа рухсат берилган тадбиркорлик тури билан шуғулланиш имконияти сақланади.





# ЯНГИ АВЛОД ХУЖЖАТИ

**?** Янги авлод паспортларини жорий этиш зарурати нима сабаб билан юзага келди?

— Эгаларининг биометрик маълумотлари қайд этилган паспортларни бериш иши Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (23.06.2009 йилдаги ПФ-4117-сон) ва “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон) фармонларига мувофиқ амалга ошириляпти. Буни Ўзбекистон Республикаси Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) аъзоси ҳисобланиши ва, бинобарин, унинг барча талабларига риоя этиши ва тавсияларини бажариши шартлиги тақозо этди. Биометрик маълумотларга эга паспортлар халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, шунингдек Давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самардорлигини ошириш мақсадига жорий этилмоқда.

**?** Биометрик паспорт эски намунадаги паспортдан нимаси билан фарқ қилади?

— Биометрик паспортда 36 саҳифа бор (эски намунадаги паспортда – 32 саҳифа), ҳимоя қатлами кучайтирилган, бу эса қалбакилаштириш имкониятини мураккаблаштиради. Паспортнинг орқа муқовасида жойлаштирилган махсус қурилма (чип)га фуқаронинг биометрик маълумотлари киритилган. Бу халқаро аэропортлар ва чегарадаги ўтиш пунктларида назоратдан ўтаётганда шахсни идентификациялашни енгиллаштиради ва тезлаштиради, шунингдек фуқаролар хавфсизлигини ва ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишни таъминлашга хизмат қилади.

**?** Мен 49 ёшдаман, ҳозиргача эски намунадаги паспортимдан фойдаланаман. Ундан фойдаланишим қанчалик қонуний? Умуман олганда уни алмаштиришим шартми?

— Президентнинг ПФ-4262-сон Фармони мувофиқ паспорт олиш ёшига етган барча фуқаролар 2015 йил 31 декабрда биометрик паспорт олишлари шарт. Тегишинча, 2015 йил 31 декабрда

сиз эски паспортингизни янги биометрик паспортга алмаштиришингиз лозим.

**?** Биометрик маълумотларга эга паспорт қанча муддатга берилади?

— Ўзбекистон Республикасининг паспорти республика фуқаросига 10 йил муддатга; 16 ёшга тўлмаган ва хорижда ўқишни хоҳлаган шахсга 5 йилга; фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳаракатланиш ҳужжати 5 йилга; 16 ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳаракатланиш ҳужжати ҳам 5 йилга берилади.

**?** Янги ишхонада ишга жойлашиш чоғида биометрик паспорт бўлиши талаб этилмоқда. Бундай талаб қанчалик қонуний?

— Мазкур талаблар қонуний эмас, чунки Президентнинг ПФ-4262-сон Фармони мувофиқ эски намунадаги паспорт 2015 йил 31 декабрда ҳақиқийдир.

**?** Синглим вақтинча хорижда яшайпти. Биометрик паспорт олиш учун у қаерга мурожаат қилиши керак?

— Хорижда доимий яшовчи ёки таълим олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспорт олиш учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатик ваколатхоналари ва консулхоналарига мурожаат қилишлари мумкин.

**?** Агар фуқаро 21 ёшда бўлса, у паспортни 10 йил муддатга бериладиган биометрик паспортга алмаштиргач, 25 ёшга тўлганда паспортни яна алмаштириши керак бўладими?

— Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизими тўғрисидаги низомга<sup>1</sup> кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти 10 йил муддатга берилади.

Эски тизимнинг 25 ва 45 ёшга тўлганда паспортни алмаштириш тўғрисидаги қондаги Ўзбекистон Республикаси тўлақонли аъзо бўлган Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг талаблари муносабати билан бундан буён амал қилмайди.

Шу сабабли мазкур фуқаро паспортни 10 йилдан кейин, яъни 31 ёшга тўлганда алмаштиради.

**?** 3 йилдан кейин бутун оиламиз билан хорижга дам олиш

<sup>1</sup>Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонида 1-илова.  
<sup>2</sup>ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган.  
<sup>3</sup>Президентнинг 20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон Фармони билан тасдиқланган.



мақсадига чиқмоқчимиз. Ўғлимиз 9 ёшда. У қандай ҳужжатларга кўра биз билан бирга чиқади?

— Хорижга ўқиш, халқаро спорт ва ижтимоий тадбирларда иштирок этиш, даволаниш, доимий яшаш жойига бориш, дам олиш учун чиқилганда, шунингдек ота-оналари, ҳомийлари, васийлари республикадан ташқарига узоқ муддатли хизмат сафарига чиққанда 16 ёшга тўлмаган шахсларга амал қилиш муддати 5 йилдан кўп бўлмаган биометрик паспорт берилади (Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисида низом<sup>2</sup>).

**?** Хорижий давлат фуқароси бўлган, ўша ерда туғилган дугонам Ўзбекистон фуқаролигини олмоқчи. ЎЗР фуқаролигига қабул қилиш қандай амалга оширилади? Ушбу масала қанча вақт мобайнида кўриб чиқилади?

— «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг (2.07.1992 йилдаги 632-ХII-сон) 17-моддасига мувофиқ чет эл фуқаролари уларнинг илтимосномаларига кўра қуйидаги шартларга асосан ЎЗР фуқаролигига қабул қилинишлари мумкин:

- 1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;
- 2) сўнгги 5 йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси унинг ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;
- 3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг Кон-

ституциясини тан олиш ва бажариш.

1, 2 ва 3-бандларда қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

ЎЗР фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати – 1 йил (Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низом<sup>3</sup>, бундан кейин – Фуқаролик тўғрисида низом).

**?** Ўзбекистон фуқароси бўлган қариндошим ўқиш учун Лондонга кетди, у ерда Буюк Британия фуқароси бўлган қиз билан танишди. Улар турмуш қуришди, тез орада фарзандли бўлишади. Агар бола хорижда туғилган бўлса, Ўзбекистон фуқаролигини олиши мумкинми?

— «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига кўра ота-онанинг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланишига йўл қўйилади.

Шу сабабли аёлнинг нотариал тасдиқланган розилиги ва фуқароликни олиш тўғрисида ёзма ариза мавжуд бўлса, боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Жавобларни экспертизимиз Санжар ХУЖААҲМЕДОВ тайёрлади.

## ФАРМОН ВА ИЖРО

# ТАДБИРКОРЛАР АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Адлия вазирлигида хорижий сармоядорлар ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган ҳуқуқий имкониятлар ҳамда уларнинг самараларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Адлия вазирининг ўринбосари А.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилаётгани натижасида мазкур соҳа иқтисодий тизимининг муҳим бўғинига айланганини таъкидлади. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир қонунчилик такомиллаштирилгани туфайли соҳада рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар ҳамда топши-

риладиган ҳисобот турлари кескин қисқартирилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2012 йил 18 июлда имзоланган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, статистик, солиқ ва бошқа ҳисоботларнинг бир

қанча турлари бекор қилинди ва умумий миқдори камайтирилди. Рухсат беришга оид 80 тартиб-таомил ва 15 фаолият тури лицензияланиши бекор қилинди.

Соҳага оид бу каби ҳужжатлар ижроси адлия идоралари томонидан изчил назорат қилиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб тегишли идораларга қарийб тўққиз юзта тақдимнома, мингдан ортиқ огоҳнома ва кўрсатма киритилди. Натижада минг нафарга яқин мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 29 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга жами 12 миллиард сўмлик 736 даъво аризаси киритилди.

Тадбирда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар юзасидан батафсил тушунча берилди. Унда, хусусан, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш жараёнини енгиллаштириш, кредитлаш жараёнини янада такомиллаштириш, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, ташқи савдо операцияларини амалга оширишни либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



# РЕСПУБЛИКАДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ БЎЛИШ ҚАНЧАГА ТУШАДИ

ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи билан янги 2013–2014 ўқув йилида тўлов-контракт асосидаги ўқитиш тўлови миқдорлари белгиланди.

Таълим қийматининг мазкур миқдорлари ҳар йили Молия вазирлиги томонидан ОЎМТВ ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан келишган ҳолда республика олий таълим муассасаларидаги ўқитиш харажатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади (ВМнинг 20.08.2009 йилдаги «Республика олий таълим муассасаларини молиявий жиҳатдан янада мустақамлаш чоралари тўғрисида»ги 237-сон қарорининг 2-банди).

Қонун ҳужжатлари билан белгиланганидек, олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов миқдори ЭКИХ ўзгариши муносабати билан ҳар йили ўзгаради. Бироқ зарурат туғилганда ўқув йили ўртасида ҳам ўзгартиришлар киритилиши мумкин, бу ҳақда янги тўлов миқдори амал қила бошлашдан бир ой аввал хабар берилиши керак. Агар тўлов миқдори ўқув йили мобайнида ошса, тўлов фақатгина ўқув йилининг қолган мuddати учун қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Тўлов миқдори жисмоний ёки юридик шахс (мутахассис буюртмачиси) томонидан талаба билан имзоланган шартномага (контрактга) кўра тўлиқ ёки қисман тўланади. Бунда биринчи курс талабалари белгиланган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаган қисмини

15 сентябргача тўлашлари шарт. Юқори курслар талабалари олий ўқув юрти ҳисобварағига ўқитиш қийматининг ярмини 1 октябргача киритишлари керак. Иккинчи қисми ўқув йилининг 1 мартгача, яъни янги ўқув семестри бошидан, таълим курсидан қатъи назар, барча талабалар томонидан тўланади.

Контракт асосида ўқитиш қиймати талабанинг ўзлаштириш рейтингига қараб тайинланган стипендия ҳам киради. Битирув курси талабалари ёз ойлари учун стипендия олмасликлари муносабати билан таълимнинг сўнги ярим йиллиги учун тўлов миқдори 0,75 ўзлаштириш коэффициенти билан июль ва август учун стипендиялар миқдорига камайтирилади (ОЎМТ вазирининг АВ томонидан 26.02.2013 йилда 2431-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12–26-бандлари).

Шу тариқа, 2013 йил 1 сентябрдан республика олий таълим муассасаларида таълим тури, шакли ва йўналишидан қатъи назар уни тўлашнинг қуйидаги миқдорлари белгиланган (млн сўмда):

**Римма СОЛОДОВНИКОВА,**  
эксперт-юристимиз.

Таълим йўналиши	Бакалавриат (кундузги шакли)	Бакалавриат (сиртқи шакли)	Иккинчи ихтисослик	Магистратура
<b>Гуманитар таълим</b>				
- педагогика	4,6		4,9	4,9
- маданият	5,4	2,130	5,9	5,9
- шарқшунослик, филология	5,0		5,4	5,4
- халқаро муносабатлар	6,7		7,4	7,4
- табиатшунослик	4,6		4,9	4,9
<b>Ижтимоий фанлар, иқтисодиёт, ҳуқуқ</b>				
- журналистика	5,0		5,4	5,4
- иқтисодиёт ва бизнес	6,0		6,6	6,6
- халқаро иқтисодиёт ва бизнес	6,7		7,4	7,4
- юриспруденция	6,7		7,4	7,4
<b>Технологиялар ва ишлаб чиқариш</b>				
- инженерия	4,6	1,540	4,9	4,9
- ахборот хавфсизлиги, АКТ	5,0	1,830	5,4	5,4
- архитектура	5,4		5,9	5,9
- курилиш	5,0		5,4	5,4
<b>Соғлиқни сақлаш соҳасида</b>				
- соғлиқни сақлаш	6,0		6,6	6,6
- ижтимоий таъминот	4,6		4,9	4,9
<b>Хизмат кўрсатиш соҳасида</b>				
- сервис	5,0		5,4	5,4
- спорт	4,6		4,9	4,9
- транспорт	5,0		5,4	5,4
- табиатни муҳофаза қилиш	4,6		4,9	4,9

Буйруқ матни билан ОЎМТВнинг [edu.uz](http://edu.uz) сайтида танишиш мумкин.

## ХОРИЖДА ЎҚИШ НУФУЗЛИ ИШГА ЖОЙЛАШИШГА КАФОЛАТ БЎЛМАЙДИ

Бухоро шаҳридаги коллежни муваффақият билан тугатгандан кейин мен Интернет орқали хорижда ўқишни танладим. Манчестер университетидан (Буюк Британия) “молиявий менежмент” мутахассислиги бўйича бакалавриатни тугатдим ва Ўзбекистонга қайтдим. Ҳозир олган мутахассислигим бўйича иш қидиряпман. Бироқ дипломим Ўзбекистон Республикасида тасдиқланмаганлиги учун маҳаллий иш берувчиларнинг кўпчилиги мен олган бакалавр даражасини тан олишмаяпти. Марҳамат қилиб айтсангиз, дипломим тасдиғини қандай қилиб олишим мумкин?

**Даврон А-ев.**  
Бухоро вилояти.

— Хорижда ўқиб келган шахслар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш таомилидан ўтишлари лозим. У Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда уларни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 25.07.2000 йилдаги 283-сон қарорига 2-илова) билан белгиланган.

Хорижий давлатларда берилган олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан кейин – ваколатли орган) томонидан амалга оширилади.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, **кооперация ва (ёки) мақсадли ўқитиш** (“Умид” жамғармаси тавсияси билан, ҳукуматлараро битимлар орқали ва бошқалар) асосида хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги олинган ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш тўғридан-тўғри текширувсиз амал-

га оширилади ва тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилади.

Дипломни нострификациялаш учун ваколатли органга қуйидагиларни тақдим этиш лозим:

- нострификациялаш тўғрисида ариза;
- маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг асл нусхаси (ўтилган ўқув курслари ва уларнинг ҳажми, олинган якуний баҳолар, амалиёт, курс ва битирув малака ишлари рўйхати, ўқув жараёнининг бошқа бажарилган талаблари кўрсатилиши лозим);

- маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

Ариза берувчи шунингдек ўз тайёргарлиги ҳақида бошқа ҳужжатларни (таълим олишининг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги, амалий тажриба ҳақида ҳужжатларни) ҳам тақдим этишга ҳақлидир. Бироқ уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган ҳолда таржима қилинган бўлиши керак.



Эквивалентликни аниқлаш таомили махсус комиссия томонидан олинган таълимни Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартларига мувофиқлигини экспертиза қилиш йўли билан амалга оширилади. Ваколатли орган эксперт комиссиясининг ҳулосасига асосан таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлиги ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчига махсус гувоҳнома берилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, нострификация пулли асосда амалга оширилади. Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш муддати барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 1 ойдан ошмаслиги керак.

Баъзи ҳолларда ариза берувчининг розилиги билан ўқув режаларидаги тафовутларни топшириш ташкил этилиши мумкин.

Шу тариқа, агар сиз кооперация ва (ёки) мақсадли ўқиш асосида таълим олмаган бўлсангиз, олинган дипломнинг эквивалентлигини аниқлаш таомилидан ўтишингиз лозим.

Қўшимча ахборотни ваколатли органнинг [dtm.uz](http://dtm.uz) веб-сайтидан олишингиз мумкин.

**Алексей НИЯЗМЕТОВ,**  
юрист.

### ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

## ЎСМИР САМОЛЁТДА БИР ЎЗИ УЧСА...

Агар 13 яшар болада биометрик паспорт бўлса, у бир ўзи халқаро йўналишларда уча оладими?  
Люба.

— Вояга етмаган шахснинг хорижга чиқишига рухсатномани расмийлаштириш чоғида унинг ота-онаси хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига, бошқа ҳужжатлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирга яшайдиган ота-онанинг хорижга чиқишга нотариал тасдиқланган розилиги ҳамда фуқарони кузатиб борувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбуриятини тақдим этадилар (Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатлини ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-банди, ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган).



Шу тариқа сиз авиакомпанияга мурожаат қилишингиз ва боланинг учини учун шартнома тузишингиз зарур. Авиакомпания уни кузатиб борувчи шахсни белгилайди. Шундан сўнг шартномани хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига тақдим этиш зарур.

Вояга етмаган бола учаётганда аэропортда 3 нусхада “Ташишга сўров” расмийлаштирилади. Унинг бир нусхаси вояга етмаган шахсни кузатиб борувчи шахсга топширилади ва у болани жўнатиш аэропортида ташувчининг жавобгарлигига топшириш далилини тасдиқлаш учун хизмат қилади. Сўровнинг иккинчи нусхаси экипажга топширилади ва болани тайинланган аэропортда қабул қилувчи ташувчининг вакилига топширишни расмийлаштириш учун хизмат қилади. Учунчи нусхаси кузатиб борилаётган боланинг чиптасига илова қилинади ва болани кутиб олувчига топшириш далилини тасдиқлаш учун хизмат қилади.

**Жавобни экспертими**  
Санжар ХҲЖААХМЕДОВ тайёрлади.



НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

2013 йил ОКТЯБРЬ ойида

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш\*

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2012 йил 30 ноябрдаги 2/1-Г-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН.

Кенгашнинг тегишли қарорлари билан режа-жадвалга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР РЎЙХАТИ

Назорат қилувчи орган даражаси
А – туман
В – вилоят
С – республика

Table with 3 columns: Код, Назорат қилувчи орган номи, Код, Назорат қилувчи орган номи, Код, Назорат қилувчи орган номи. Lists various regulatory bodies across different regions.

Хўжалик юритувчи субъектлар эътиборига:

- режа-жадвалнинг биринчи устунда текширилаётган хўжалик субъектининг рўйхатдан ўтказилган номи кўрсатилади;
• иккинчи устунда унинг идентификация рақами кўрсатилади;
• учинчи устунда текшириш ўтказётган назорат қилувчи органнинг рақамли коди ва назорат қилувчи орган даражасининг (республика, вилоят, туман) ҳарфий коди кўрсатилади.

Ишонч телефонлари:

(371) 244-89-46, 244-89-47, 244-98-22.

Table with 3 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи утказувчи назорат қилувчи органлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Table listing companies in Qashqadaryo region with columns for company name, STIR, and inspector details.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Andijan region with columns for company name, STIR, and inspector details.

Table with 3 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи утказувчи назорат қилувчи органлар

Table listing companies in Bukhara region with columns for company name, STIR, and inspector details.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Bukhara region with columns for company name, STIR, and inspector details.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Jizzakh region with columns for company name, STIR, and inspector details.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Qashqadaryo region with columns for company name, STIR, and inspector details.

Table with 3 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи утказувчи назорат қилувчи органлар

Table listing companies in Navoiy region with columns for company name, STIR, and inspector details.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Navoiy region with columns for company name, STIR, and inspector details.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Namangan region with columns for company name, STIR, and inspector details.

\*Текширишлар бошланган сана - 2013 йил 1 октябрь, текширишлар тугаган сана - 30 октябрь.






Table with 4 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи ўтказувчи назорат қилувчи органлар, 7-бетда. Lists companies like УЙЧИ ТУМАН САВДО-ХАРИД М-Ж and their registration details.

Table with 4 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи ўтказувчи назорат қилувчи органлар. Lists companies like ОХАНГАРОН тумани and their registration details.

Table with 4 columns: Корхона номи, СТИР, Текширувчи ўтказувчи назорат қилувчи органлар. Lists companies like ТИЛЛО ДОМОР ХК and their registration details.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Samarkand region with columns for company name, registration type, and supervising authority.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Fergana region with columns for company name, registration type, and supervising authority.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Surkhondaryo region with columns for company name, registration type, and supervising authority.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Sirdaryo region with columns for company name, registration type, and supervising authority.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Khorezm region with columns for company name, registration type, and supervising authority.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Table listing companies in Tashkent region with columns for company name, registration type, and supervising authority.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Table listing companies in Tashkent city with columns for company name, registration type, and supervising authority.

\*Текширишлар бошланадиган сана - 2013 йил 1 октябрь, текширишлар тугайдиган сана - 30 октябрь.

Advertisement for 'Norma Maslahatchi' newspaper, including contact information, address, and a quote from a reader.